



СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам дўстлар!
Авалло, мамлакатимизнинг қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни қасб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чўқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.
Жонажон Ўзбекистонимизнинг янги қиёфасини барпо этиш, Ватанимизнинг юксак таракқиётини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда сизлар сингари моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари — минг-миглаб бунёдкор инсонларнинг олижаноб меҳнати ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.
Бугунги кўтлуг айём — Қурилиш соҳаси ходимлари кўни диёримизда кенг нишонланаётгани ҳам халқимиз ва давлатимизнинг сизларга бўлган ана шундай самимий ҳурмат-эҳтиромидан далолат беради.
Азиз юртдошлар!

Маълумки, ҳозирги кунда бутун инсоният қатори эл-юртимиз ҳам оғир синовли кунларни бошидан кечирмоқда. Мураккаб пандемия шароитида кўплаб соҳа ва тармоқлар ривожини йўлида жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.
Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мана шундай қийин вазиятда ҳам иқтисодий-иҷтимоий етакчи соҳаларидан бўлган қурилиш, бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмади.

Аксинча, сизларнинг жонбозлик кўрсатиб қилаётган меҳнатингиз ҳисобидан тизимда кенг қўламли ислохотлар, бу борада белгиланган дастур ва режаларимиз ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмоқда.

Бу фикрни жорий йилнинг биринчи ярмида юртимизда жами 43 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107 фоиздан зиёдни ташкил этгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Бу йил қурилиш соҳаси учун ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама синовли ва ғоят масъулиятли давр бўлганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Дастлаб Бухоро вилоятида, сўнгра "Сардоба" сув омборида юз берган табиий офат ва тошқин оқибатларини бартараф қилиш, ижтимоий объектларни тиклаш ва таъмирлаш, минг-миглаб оилалар учун замонавий уй-жойлар барпо этиш ишларида бунёдкор азаматларимиз ҳақиқий матонат ва шижоат намуналарини кўрсатдилар.

Энг муҳими, бу ишларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг моҳир қурувчилари ва муҳандислари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиб, халқимизга хос аҳиллик ва бирдамлик, ҳамжиҳатлик фазилатларини, биз чиндан ҳам ягона оила фарзандлари эканлигини яна бир бор амалда намойен этдилар.

Шу йилнинг март ойидан буён республика-мизда қатъий карантин талаблари ўрнатилган таҳликали бир вазиятда қурувчиларимиз кўзга кўринмас бу балога қарши қаҳрамонона қурашаётган шифокорларимиз ва бошқа соҳа

вакиллари билан биргаликда стратегик аҳамиятга эга бўлган махсус қурилиш объектларини бунёд этаётганлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Хусусан, ғоят қисқа фурсатларда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 4 минг ўринли кўп тармоқли махсус шифохона, Юқори Чирчиқ туманида аҳолини вақтинча карантинда сақлаш мажмуаси каби ўнлаб иншоотлар ҳамда тақсимлаш пунктлари барпо этилди.

Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам қад ростлаган бундай мажмуалар бугунги кунда пандемияни жиловлаш, бу оғир касалликка чалинган минглаб ватандошларимизнинг ҳаётини сақлаб қолишда беқиёс аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни вақтда улкан қурилиш майдонига айланган Ўзбекистонда қурувчиларимизнинг ўз касбига меҳри, бурчига садоқати, ғайрат-шижоати билан бошқа кўплаб ижтимоий объектларда ҳам бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб пойтахтимизнинг Олмазор туманида қад ростлаган Ғалаба боти томи маънода тарихий иш бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг ҳар қандай қийин шароитда ҳам буюк ишларни амалга оширишга қодир эканлини яққол намойен этган ушбу қурилиш бугунги кунда халқимизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган мислсиз қаҳрамонлигини тарих саҳифаларига муҳрлаган бетақор мажмуага айлангани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ана шундай салмоқли ишларимиз қаторида Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилгани маънавий ҳаётимиздаги унутилмас воқеа бўлди.

Тошкент ер усти ҳалқа метро йўли, Юнусобод ва Сергелидаги янги метро йўналишлари, Яшнобод туманидаги уч қаватли муҳташам кўприк, Ислоҳ цивилизацияси маркази ва бошқа кўплаб муҳим объектлар сиз, кўли гул қурувчиларимизнинг улкан салоҳиятингиз ва маҳоратингиздан далолат бериб турибди.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан халқимиз, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, ёш оилалар учун арзон ва шинам уй-жойлар қуриш дастури изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда ана шу дастур бўйича қишлоқ жойларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп хонали уй-жойлар барпо этилмоқда.

Шунингдек, ҳозирги вақтда юртимизда 2 минг 400 га яқин ижтимоий объект, жумладан, 427 та боғча, 477 та мактаб, 216 та соғлиқни сақлаш, 29 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси ва 100 га яқин бошқа турли иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Муҳтарам дўстлар!
Сўнги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасини тубдан такомиллаштириш мақсадида унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётгани сизларга яхши маълум.

Хусусан, ўтган уч йил давомида ушбу соҳани тартибга солувчи жами 33 та қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 6 та қонун ҳужжати ҳаётга татбиқ қилингани бу борада бошлаган ислохотларимизнинг кўлами нақадар кенглигини кўрсатиб турибди.

Қурилиш ишларида дунёнинг ривожланган давлатлари стандартларига мос бўлган янги инновацион технология ва ечимларни қўллашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Бу йўналишда ахборот-коммуникация технологиялари самарали жорий этилиб, "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими ишга туширилгани соҳада коррупциянинг, қоғозбозликнинг олдини олиш, иш вақтини тежашга хизмат қилади.

Замонавий қурилиш соҳаси ривожини катта билим ва тажрибага эга, етуқ кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда айни пайтда Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтларида 22 та бакалаврият таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва қурилиш ишлари сифатини оширишга қаратилган ишлар ҳам жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш рейтингини жорий этилди. Қурилиш соҳаси билан боғлиқ барча асосий маълумотларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётгани ҳам бу борада сифат даражасининг яхшиланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бирга, қурилиш индустриясини, қурилиш моллари саноатини янада ривожлантириш, шаҳарсозлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини замонавий юксак мезонлар асосида такомиллаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, соҳа ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласи бундан буён ҳам давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлади.

Азиз ва муҳтарам қурувчилар!
Барчангизни қасб байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, эзгу фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Хонадонларингизга доимо тинчлик-хотир-жамлик, файзу барака ёр бўلسин!
Қўлингиз асло дард кўрмасин, ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2020-2021 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ СЎХ ТУМАНИНИ КОМПЛЕКС ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фарғона вилояти Сўх туманининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизациялаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, саноат салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ ҳўжалиги, сервис ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳисобига туман аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида:

1. 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни янада кўллаб-қувватлаш;

қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш, соҳада фойдаланилмаётган ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик ва балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш;

йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг уй-жой маиший шароитларини яхшилашга, соғломлаштириш ва маданий ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, туман марказини ободонлаштириш;

таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳаси ва педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш, туманда олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш, таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини ошириш;

аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Дастурни амалга оширишнинг асосий

устувор йўналишларини инobatта олган ҳолда Дастурнинг мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари асосида 2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларининг манзилли дастурини тасдиқласин.

4. 2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Куйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мутасадди раҳбарлар иштирокида Дастур доирасида амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳанинг ўз муддатда ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини мунтазам равишда ҳар ойда бир марта Сўх туманида, ҳар чоракда бир марта республика даражасида муҳокама қилиб бориш ва муаммоли лойиҳалар ечимини янада яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Дастур доирасида белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторингини олиб бориш, лойиҳаларнинг ўз муддатда ва сифатли бажарилишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор ва амалий чоралар қўриш;

тумандаги камбағалликка оид реал аҳволни ўрганиш, камбағалликни қисқартириш ва бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш.

5. Фарғона вилоятининг Сўх туманида тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш ва иқтисодий тармоқларининг узлуksиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида:

а) 2020 йилда жисмоний шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилсин;

б) жорий йил 1 августдан бошлаб 2021 йил 31 июлга қадар:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи амалдаги қатъий белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдорда белгилансин;

Давоми 2-бетда

Қурилиш соҳасини рақамлаштириш шаффофлик ва очиқликни таъминлайди, тизим такомиллашса хуфиёна иқтисодиёт ва коррупциянинг олди олинади

- Айни пайтда мамлакатимизда 32 мингта пудрат ташкилоти мавжуд бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида 43 017,1 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилиди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,3 фоизни ташкил этди.**
- Қурилиш соҳасида муаллифлик, техник ва давлат назорати такомиллаштирилмоқда. Назорат ҳозиргидек кўлда эмас, балки IT технологияларни жорий қилган ҳолда амалга оширилади.**
- Соҳани рақамлаштириш жараёнида қурилиш объектларида сифатни назорат қилиш механизми биринчи ўринга чиқмоқда. Бунда назорат инспекторларининг ҳар бири планшетлар билан таъминланган. Улар бугунги кунда Тошкент шаҳрида тест режимида ишлайпти. Қурилиш вазирлиги махсус портал орқали инспекторларнинг ишини кузатиб туради.**
- Давлатимиз раҳбари томонидан соҳа мутасаддилари олдида ижтимоий объектлар, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишига алоҳида эътибор бериш ва сифатини сезиларли тарзда ошириш, замонавий кўринишга олиб келиш бўйича ҳам вазифалар кўйилган.**
- Давлат шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими геопортали яратилди. У давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимда тақдим этиш вазифасини бажаради.**
- АҚШнинг IBC кодларини Ўзбекистонда татбиқ этиш бўйича Жанубий Кореянинг KICT компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Марказ ходимлари томонидан Еврокодлар тизими таркиби ўрганилмоқда, Еврокодларни миллий меъёрлар билан уйғунлаштириш бўйича таҳлиллар олиб борилмоқда.**
- Соҳадаги оғриқли масалалардан бири тендер савдолардир. Айни мавзу жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида айни пайтда тендер тизимига вақтинча икки баробар тежаш имкони яратилди. Топширилаётган ҳужжатлар 14 тадан 6 тага қисқартирилди. Бундан буён тендердаги асосий жараёнлар рақамлаштирилган ҳолда олиб борилади, энг асосийси, тизим кўнига 24 соат, бир ҳафтада 7 кун давомида тўхтовсиз ишлайди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2020-2021 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ СЎХ ТУМАНИНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олиш учун йигирми тўлашдан озод қилинсин. 6. Тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит фойз ставкасининг 10 фоизли пунктдан юқори бўлган қисмини, бироқ Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдорини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиш тартиби жорий этилсин. 7. Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда Сўх тумани аҳолисига янги уй-жой қуришлари учун ипотека кредитлари ажратилишини таъминласин. 8. Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳоқими-га Фарғона вилояти ҳоқимлиги билан келишган ҳолда 2022 йил 1 январга қадар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар учун, истисно тариқасида, сугориладиган ер майдонларидан ташқари ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ҳуқуқи берилсин. 9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фарғона вилояти ҳоқимлиги билан биргаликда тумандаги соғлиқни сақлаш муассасаларига юқори малакали мутахассисларни ишга жалб қилсин. 10. Белгилансинки: Сўх туманида жойлашган тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг лавозим маошларига соҳадаги иш стажининг биринчи уч йили учун тариф ставкасига нисбатан 40 фоиз ва ҳар бир кейинги

икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 15 фоиз миқдорда, устаманинг энг кўп миқдори 100 фоиз ўрнатилсин; Сўх туманида жойлашган тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг лавозим маошларига ойлик қўшимча устамалар, ижтимоий нафақалар ҳамда Сўх тумани маҳаллий бюджетининг солиқлардан берилган имтиёзлари ҳисобига вужудга келган йўқотишлари жорий йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилсин. 11. Ташқи ишлар вазирлиги Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қирғизистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш масаласини ҳал этсин. Транспорт вазирлиги Қирғизистон Республикаси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш масаласи тўлиқ ҳал этилгандан кейин бир ҳафта мuddатда Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти орқали аҳолига мақбул нархларда қатновлар йўлга қўйилишини таъминласин. Фарғона вилояти ҳоқимлиги бир ой мuddатда Сўх туманида самолёт ва вертолётлар учун учиб-қўниш майдончаларини ташкил этсин. Молия вазирлиги Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича қўрилган зарарларни қоплаш учун компенсация тўловларини жорий йилда Базирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан қоплашини ва келгуси йилларда Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин. 12. Фарғона вилояти ҳоқимлиги: Сўх тумани аҳолиси учун Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Қўштепа, Бағдод, Риштон ва

Бувайда туманлари ҳудудида деҳқончилик қилиш учун экин ер майдони ва ипотека кредитлари асосида квартиралар ажратсин; Фарғона вилояти ҳудудида марказлаштирилган маблаглар ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларига, шунингдек, саноат корхоналарида янги ташкил этилаётган иш ўринларига Сўх тумани аҳолисини кенг жалб қилсин; Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳоқимлиги билан биргаликда Сўх туманининг иш билан бандлиги таъминланмаган аҳолининг бир қисмини Тошкент шаҳрида йирик объектларда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларига тизимли равишда жалб қилинишини таъминласин. 13. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси белгиланган тартибда Дастур доирасида қурилиш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар ҳамда ер ости ичимлик суви манбалари бўйича тегишли хулосалар берилишини таъминласин. 14. Энергетика вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда аҳолини электр энергияси, табиий ва суюқтирилган газ, ичимлик суви ва канализация тизими билан таъминлаш бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, Дастур доирасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш корхоналарининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига ўз вақтида улашини ҳамда уларга мавжуд ресурс ва техник имкони-

ятлардан келиб чиқиб, талаб этиладиган табиий газ ва электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш чораларини кўрсин. 15. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги марказлашган манбалар ҳисобига Дастурнинг 2020 йилда амалга оширилаётган лойиҳаларини 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурининг 2020 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида амалга оширсин ва кейинги йиллар учун белгиланган тадбирларнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, келгуси йиллар Инвестиция дастурини шакллантиришда кўзда тутсин. 16. Қуйидагиларга: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига — мазкур қарорнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга маъсул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ж.А.Қўчқоров зиммасига — ушбу қарорда

назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан зарур маблағларни ўз вақтида ажратиш ва бошқа молиявий ресурсларни жалб қилиш юзасидан; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги С.У.Умурзаков зиммасига — туманда инвестиция муҳитини яхшилаш, инвесторлар ҳамда инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда туманнинг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.И.Барноев зиммасига — туманда қишлоқ ҳўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик ҳамда қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш юзасидан; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев зиммасига — туманда ижтимоий соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, ижтимоий инфратузилма объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин. 17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2020 йил 8 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ёшлар сиёсати

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар келажакига бериладиган эътибор даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, келажак учун киритилган энг яхши инвестиция ёшлар таълим-тарбиясига тикилган сармоядир.



Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Шу маънода, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёт этиши, дунёнинг энг пешқадам давлатлари қаторидан муносиб жой эгаллаши ва жаҳон рейтингларида юқори мавқееларга эга бўлиши замонавий инновацияни билмиларни эгаллаш, инсон капитални сохиб бўлган бугунги ёшларимизнинг қўлида. Зеро, тадқиқотларнинг далолат беришича, шахснинг 3 ёшидан 22 ёшгача бўлган даврида унга киритилган инвестиция 19-22 баробар кўп фойда беради. Шунинг учун ҳам Президентимиз "Ўзбекистонга жадал ислохотлар суръатида мос илгор кадрлар керак" номли маърузасида замон талаби, ислохотлар шаллидига мос кадрларни тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратиб, "Бу масала бизнинг келажакимиз, бизнинг эртанги кунимиз", деб алоҳида таъкидлаган эди. Айни вақтда Ўзбекистон демографик ўтишининг дивиденд олдир боқишда турибди, яъни демографик тенденцияларга қўра, аҳолининг таркибида ёшлар улуши юқори. Уларга сифатли таълим берилса ва кулай тадбиркорлик муҳити яратилса, яқин истиқболда ушбу демографик дивиденддан юртимизнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда самарали фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаб, боқичма-боқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда да-

Янги Ўзбекистонни янги авлод билан барпо этамиз!

вом эътирилиши баробарида, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрлар захираси шакллантирилиб, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг маъсул лавозимларига тайинлаш амалиёти изчил йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистондаги барча ўзғаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотлар ўтказилмоқда. Айни вақтда таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг ярмидан кўпрогини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтари олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, юртимизда бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топишмоқда. Шу мақсадда Мақтабга таълим вазирлиги ташкил этилди, мақтаб таълим тизими тубдан ислох қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта жорий этилди. Вилоятларда янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртиларига қабул квоталари сезиларли даражада оширилди. Сиртки ва кечки олий таълим шакллари тикланди. Кейинги икки йил ичида 15 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари очилди. Тарихимизда илк бора 30 июнь Ёшлар кунини сифатида нишонлана бошланди. Турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган, фидойи ёшларни рағбатлантириш мақсадида "Келажак бунёдкори" медалли, йилгитлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтириш, уларда мардлик, жасорат, садоқат каби фазилатларини шакллантириш учун "Мард ўғлон" давлат мукофоти таъсис этилди. "Ёш китобхон" танлови эса ёшлар ўртасида мутлоқ маданияти, китобхонлигини кенг тарғиб этиш, юксак интеллектуал салоҳиятли, китобга ошно, билимли авлодни вояга етказиш ишларига хизмат қилмоқда. Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-харажатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бошқармалари ва туман(шаҳар) бўлимлари ташкил этилиши бу йўналишдаги ислохотларнинг мантикий давом бўлди. Агентлиkning асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун

ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш белгиланди. Шунингдек, мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Президентимизнинг ўтган йил 27 декабрь кунини Мухаммад ал-Хоразмиё номидagi мактабда ёшлар билан учрашув чоғида "Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади", деган сўзлари исботини яқинда Олий Мажлис Сенати ҳузурида ташкил этилган ёшлар парламенти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бундан қўзланган асосий мақсад, биринчидан, ривожланган давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллаш, эркин ва фаровон, кудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш саъй-харажатларига ёшларнинг фаол жалб этиш бўлса, иккинчидан, ёшларнинг миллий ва ҳудудий микёсда ўз ҳаётлари тўғрисида қарорлар қабул қилишда уларнинг самарали иштироки учун ягона платформа яратиш, учинчидан эса, ёшлар парламентаризми орқали ёш фуқароларнинг қонун чиқарувчи ва ижро этишчи ҳокимиятлардаги воқолатини ошириш ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги иштирокини қучайтиришдан иборат. Албатта, Ёшлар парламенти ташкил этиш жараёнида, энг аввало, ривожланган давлатларнинг тажрибаси чуқур ўрганилиб, таҳлил этилди. Маълум бўлдики, дунёда ёшлар парламентарининг бир нечта моделлари мавжуд бўлиб, бу тизимларга илк бор 1950 йилда АКШда асос солинган. Бу гоё 1987 йилда Европада кўчиб, 1992 йилда Европа Кенгаши ёшларнинг маҳаллий ва минтақавий тузилмалар ҳаётидаги иштироки тўғрисидаги Европа хартиясини қабул қилди. Ҳозир унга ёшларнинг тадбирларда фаол иштирок этадиган, 16 ёшдан 22 ёшгача бўлган 50 минг нафар вақили кирди. Европа ёшлар парламенти баҳс-мунозаралар майдончаси шаклида тузилган бўлиб, у мунтазам ёшлар парламентида 13 ёшдан 28 ёшгача бўлган йилгит-қизлар ўз ҳаётлари тўғрисида қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Россияда ёшлар парламенти 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, у Давлат думаси ҳузурида фаолият юртакти. Шунингдек, Грузия, Беларусь, Германия ва бошқа давлатларда аҳолининг 16-30 ёш бўлган қатлами орасидан ёшлар парламенти аъзолари шакллантирилган ва улар ёшлар муаммоларини парламент даражасига олиб чиқади. Мамлакатимизда жамоатчилик асосидаги консультатив орган шаклландуви ёшлар парламенти асосий мақсади ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ўрни ва таъсирини амалда таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишдан иборат. Ёшлар парламенти фаолиятининг йўлга қўйилиши, келгусида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг қонунийлик асосларини мукамал билишлари, ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш баробарида, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини ёшларнинг вақиллари иштирокида муҳокама қилиш ҳамда мавжуд муаммоларини бартараф этишга оид тақлифлар ишлаб чиқишда устувор аҳамият касб этади. Зеро, бугунги кундаги энг глобал масала ёшларнинг бандлигини таъминлашдир. Ўтказилган тадқиқотларга қўра, мамлакатимизда ҳар йили ўртача 520 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда. Улар етарли тажриба ва билимга эга бўлмаганликлари сабабли иш топиш ҳамда рақобат қилишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда. 2018 йилнинг июль ойида ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шaroитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йилгилишида республикамиз бўйича 1 700 дан зиёд ярмарка ўтказилганга қарамай, иштирокчиларнинг фақатгина 5 фоизи иш билан таъминлангани, 509 минг нафар ёш эса хорижда пул ишлаш учун чиқиб кетгани маълум бўлган. Бу фикрни "Юксалиш" умумимиллий харақати ва ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигидаги 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4,5 минг нафар йилгит-қиз иштирок этган сўровнома натижалари ҳам тасдиқлади. Хусусан, сўровномада иштирок этган ёшларнинг деярли ярми ижтимоий ҳимоя, бандлик, айниқса, ноғиронлиги бўлган ёшларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби соҳалар яхшилашга муҳтож эканини таъкидлаган. Шунга қарамай, иштирокчиларнинг деярли 70 фоизи ҳар қандай шaroитда ҳам Ўзбекистонни тарқ этишни истамётганликларини билдиришган. Айни пайтда, ёшлар ўзлари учун муносиб иш топишда қийинчиликларга дуч келаятганликларини маълум қилишган. Еки биргина ўтган 2019 йилда юртимиздан тахминан 2,5 миллион киши ёки аҳолимизнинг 7 фоиздан кўпроғи ишлаш мақсадида чет элларга кетган. Жуда катта қисми ёшлар бўлган бу мигрантларимизнинг 95 фоизи, афсуски, ташкиллаштирилмаган, ҳимояланмаган, ноқонуний меҳнат муҳожирлари ҳисобланади. Шундай бўлса-да, уларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солуви бирорта яхлит қонун ҳужжати ҳанузгача қабул қилинмаган.



Бундан кўриниб турибдики, ташқи ва ички меҳнат миграцияси бўйича муносабатлари тартибга солуви қонунлар ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу билан бирга, миграция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Ўз навбатида, бугун бутун дунёни қамраб олган коронавирус пандемияси ижтимоий-иқтисодий вазиятни инқирозга солиб қўйган бир даврда бу бало ёшлар ҳаётига ҳам ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмапти. Шу масалага бағишлаб жорий йил апрель ойининг охирида Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) халқаро лойиҳасининг ёшлар учун U-Report рақамли платформаси орқали 10 420 нафар йилгит-қиз орасида онлайн сўровнома ўтказилди. Онлайн сўровноманинг ўзини ўзи изоляция қилиш вақтида ёшлар нима билан банд, деган саволига иштирокчи ёшларнинг 10 фоизи оdatдагидек ишлашни давом эттиратганини, 18 фоизи масофадан туриб интернет орқали ишлаётганини, 10 фоизи шахсий томоғрасидаги юмушлар, 16 фоизи уйдаги маиший муаммолар билан бандлигини, шунингдек, 25 фоизи мустақил таълим, китоб ўқиш ва спорт билан шуғулланаётганини, 11 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқларда мулоқот қилаётганини, 2 фоизи телевизор қўраётганини маълум қилган. Умуман олганда, онлайн сўровнома 2-3 ҳафта ичида 52 фоиз ёшнинг эмоционал ҳолати барқарор ва яхшилигини, 4 фоизи оилавий шaroит тўғрисида стрессини бошидан кечираётганини, шулардан 15 фоизи молиявий қийинчиликларга дуч келганини кўрсатди. Шу билан бирга, сўровда қатнашган ёшларнинг 28 фоизи молиявий ёрдамга, 13 фоизи психологик ва 3 фоизи ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож экани маълум бўлди. Улардан 10 фоизи масофавий ишлаш учун АКТИН ўрганишини, 9 фоизи касбий маҳоратини масофадан туриб оширишни, 4 фоизи уйдаги ишлар билан шуғулланишни истади. Юқоридagилардан кўриниб турибдики, фавқулодда оз берган пандемия шaroити ёшларимизни эрта улғайишга мажбур қилди, иш ва ўқишни замонавий, инновацияни усулларини тезроқ ўзлаштиришга, ўз навбатида, ўзи ва яқинларининг соғлиғи тўғрисида қайғуришга ўргатди.

Шу маънода, ёшлар парламенти фаолият бошланиши юқоридagi каби қатор муаммолар ечимини топишда муҳим ўрин тутди. Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси бу борада ёшларимиз билан ҳамisha ҳамкор ва ҳамнафас бўлишини алоҳида таъкидлаш ўринли. Биз келгусида ёшлар парламенти аъзолари билан ҳамкорликда мамлакатимиз навқирон авлодининг барча қатламлари ҳуқуқ-манфаатлари тўлиқ таъминланиши йўлида изчил фаолият юртакти. Умуман, Ўзбекистонда янги институт сифатида жорий этилган ёшлар парламенти келгусида профессионал парламент ишида ёшлар иштирокини таъминлаш ва тажрибасини ошириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг қонун лойиҳалари устида мустақил ишлаш олдига кўникмаларини шакллантириш, ўз фикрлари ва тақлифларини дадил билдириш салоҳиятини қучайтириш, пировардида ёшлар орасидан зукко ва ҳар томонлама етук бўлажак депутат ва сенаторлар, сиёсатчиларни тайёрлаш ишларига пухта замин яратди. Яна бир муҳим янгилик — шу кунларда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили давлат дастурида белгиланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ташкил этишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. 12-13 август кунлари видеоконференция шаклида ўтказилиши режалаштирилаётган мазкур нуфузли тадбирда Ўзбекистон тақлифи билан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ишлаб чиқилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси афрoқлича муҳокама этилади. Шунингдек, ёшлар муаммоларига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади. Ушбу форумда ёшлар парламенти аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билан фаол иштирок этишлари назарда тутилмоқда. Демак, Ўзбекистонда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилуви ёшларга давлатнинг стратегик ресурси, юрт равнақини таъминловчи катта қуч сифатида эътибор қаратилиб, бу йўналишда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар изчил давом этаверади.

Тараққиёт мезонлари

“VOLKSWAGEN CADDY”, “CHANGAN”, “TARLON”...



ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛИГИДА РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙ ОЛАДИМИ?

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Жорий йилнинг 25 июнь кuni Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида “Фольксваген” энгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ҳужжат билан “Жиззах автомобил заводи” МЧЖ негизда “Ўзбекистон энгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттириш бўйича “Фольксваген” компанияси томонидан тақлиф этилаётган концепция маъқулланди.

тимида автомобилнинг уч модели — Cargo (юк ташувчи версияси), Kombi (комбинацияланган варианты), Trendline (йўловчи) русумлари сотувга чиқарилади.

Июль ойининг иккинчи ярмида Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасида яна бир қатор янгиликлар рўй берди. Чуст туманида жойлашган “Наманган” эркин иқтисодий зонасида Хитойнинг “Changan” бренди остида кичик юк автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалиётга таъбиқ этиш бошланди. Унинг биринчи босқичида “Namangan Changan Motors” МЧЖ томонидан 1–1,5 тонна юк кўтарадиган, 4 хил русумдаги йилга 1800 та автомобиль ишлаб чиқарилади ва 120 киши иш билан таъминланади.

Кейинги 3 йил давомида маҳаллийлаштиришни 50 фоизгача етказиш ва маҳсулотнинг учдан бир қисмини БАА ҳамда Марказий Осиё давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилган. Жами 5,8 миллион доллар миқдорда инвестиция жалб қилинаётган лойиҳа доирасида ишлаб чиқариш жараёни 2021 йилнинг биринчи чорагида бошланиши кутилмоқда.

Мазкур лойиҳага БААнинг Ажман шаҳрида истикомат қилиб келаётган асли наманганлик тадбиркор Жобирхон Ҳомидов 800 минг долларлик сармояси билан ҳисса қўшди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг ўзида йилга шундай русумдаги 20 мингтагача автомобилга эҳтиёж мавжуд. Яқин ва узоқ хориж бозорлари инноват-га олинмайдиган бўлса, ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш имкониятларини чамалаш мумкин.

Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Бозоровнинг қайд этишича, “Namangan Changan Motors” томонидан ишлаб чиқариладиган автомобилларга ҳозирнинг ўзида талаб ва харидорлар етарли эканлиги кишини қувонтиради. Келгусида бу ерда эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган бошқа корхоналар ҳам пайдо бўлиши ва яхлит мажмуа юзга келиши айни муддао бўлади.

Давлат мудофаса саноати кўмитаси мамлакатимизнинг махсус ускуналарни тайёрлаш бўйича етакчи корхоналаридан бири — “Kgal ya maxsus texnikalar” МЧЖ билан ҳамкорликда “TARLON”(4x4) русумли энгил зирхли автомобилнинг (Е3А) таъриб намунасини ишлаб чиқарганини маълум қилди. У 9 кишига мўлжалланган, ўқ отиладиган 7 та туйнукка эга. Е3А шахсий тартибда таъбиқ этилган, уларни жанг майдонида ўқ-дори ва портловчи моддалардан асраш, хавфли ҳудудларда махсус вазифаларни бажариш, мобил гуруҳлар ва блокпостларга ўт оқишда мадад бериш, қўшинларни ва автотранспорт колонналарини ҳимоя қилиш, жанговар патруллик ва бошқа жанговар вазифаларни бажариш учун мўлжалланган.

Оммавий ахборот воситаларида жорий йилнинг май ойида яна бир автомобилсозликка доир лойиҳа Навоий эркин иқтисодий зонасида австралиялик инвесторлар томонидан амалга оширилаётганлиги маълум қилинган эди. Ташкил

этилган Navoi Motors корхонаси бу ерда хитойликларнинг Oshan бренди остида турли хил автомобиллар ишлаб чиқаришни кўзда тутмоқда. Корхона бош технологи Афшин Шахернинг таъкидлашича, завод йилига 30 минг дона машина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Унда 200 та ишчи ўрни яратилади, маҳсулот ички бозорга етказиб берилади. Объект йил сўнгига бориб ишга туширилади.

Яна бир маълумот. Жиззахда ишлаб чиқарилаётган Volkswagen Caddy негизда махсус жиҳозланган тез ёрдам автомобилларини етказиб бериши мумкин. Уни жиҳозлаш билан Турин политехника университети хузуридаги Turin Invest Engineering” маҳаллий компанияси шуғулланади.

Табиийки, ҳозирги коронавирус тарқалган пайтда юртимизда тез ёрдам автомобилларига эҳтиёж катта. Бундай машиналарнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши эса мазкур эҳтиёжни қондиришда ҳар жиҳатдан манфаатли ҳисобланади.

ИШЛАНМАДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Инжиниринг ишлаб чиқаришнинг ўсишини, маҳсулотларни сотишни, объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнини таъминлаш дегани. Бундай фирмалар ишлаб чиқариш билан бир қаторда маҳсулот сотиш хизмати билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Компаниямиз инжиниринг ишланмаларини жорий қилиш, уларни лойиҳалашдан тортиб фойдаланишга топширувчи бўлган жараёнларини таъминлашга ихтисослашган. — дейди Turin Invest Engineering” компанияси раҳбари Саидсултон Фуломов. — Айни кезде 3D моделлаштириш ва лойиҳалаштириш, турли металл конструкцияларни тайёрлаш, махсус транспорт бўйича ишланмалар, конструкторлик бюроси йўналишларида хизмат кўрсатамиз. Лабораториямизда қурилиш материаллари ва сейсмология бўйича ўтказилган синовлар асосида сифат сертификатлари берилади. Компаниямиз салоҳият жиҳатдан мамлакатимизда ягона бўлган юксак технологияли қўллаб жиҳоз ва дастгоҳлар билан таъминланган.

Инновацион ишланмалар гоёя ва ижроси билан, асосан, Турин политехника университетида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, докторантлар ва илмий ходимлар шуғулланади. Шу пайтгача уларнинг 15 га яқини фалсафа доктори (PhD) ва 4 нафар техника фанлари доктори даражасини олиш учун илмий ишларини ҳимоя қилган. Бу ерда лойиҳаларни амалиётга таъбиқ этишда иштирок этган талаба-ю илмий ходимлар учун замонавий шарт-шароитлар яратилган, шартнома асосида маош ҳам тўланади.

Қасб тақозоси билан олдин ҳам компаниянинг ишлаб чиқариш биносида бўлганман. Ушундан электромобиль устида ишлаётган, муқобил электр манбалардан фойдаланилган ҳолда, олис овулларга давлат хизматлари кўрсатувчи мобиль

автомашиналарни жиҳозлаш ишларини амалга ошириш лойиҳалар ҳақида ҳикоя қилган эдик.

— Сизни қизиқтираётган лойиҳа билан таништиришмоқчиман, — дея компания раҳбари бино олдида турган тез ёрдам машинаси ёнига бошлаб келди. — Бу Жиззахда ишлаб чиқарилган “Volkswagen Caddy”. Бу машинани буюртма асосида тиббий тез ёрдам кўрсатувчи махсус жиҳозлар билан таъминладиқ. Кўриб турганингиздек, салон аввалги махсус материаллар билан изоляция қилинди. Бемор учун кўтарма юмшоқ қаравот ва шифокор ўриндиғи қўйилди. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда қўлланиладиган замонавий ускуналар, жиҳозлар ўрнатилди. Бу — дастлабки намунавий ишланма. Ҳозир уни янада тақомиллаштириш устида иш кетяпти.

Бир қарашда ҳаммаси оддий. Лекин ана шу содда кўринган жиҳозларнинг ҳар бири, энг аввало, халқаро ва маҳаллий стандартлар талабларига жавоб бериши лозим, ишлаб чиқариш конвейерига қўйиладиган олдин мураккаб синовлардан ўтказиш, керакли деталларни тайёрлаш жараёнларини ўзлаштириш зарур бўлади.

Бу борада мамлакатимизда яхши таърибга тўлган. Ҳазорасида жойлашган “Chevrolet Damas” русумли автомобиллар ишлаб чиқариш корхонаси тез ёрдам машиналарини бир неча йиллардан буюн тайёрлаб келмоқда. “Volkswagen Caddy” негизда жиҳозланган шундай машиналар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилса, турдошга нисбатан замонавий ва янада қулай бўлишини унинг дастлабки намуналари ҳам кўрсатиб турибди.

Компаниянинг махсус транспорт ишланмалари маркази фаолияти билан танишар эканмиз, оддий автобуснинг замонавий мебель ва маиший техникалар билан таъминланган файзли уйга, сайёр боғчага, давлат хизматлари марказига, автотўлбага айланганини кўраимиз. Бу лойиҳаларнинг ҳаммаси амалга ошган, мутасадди вазирлик ва идораларга буюртма асосида етказиб берилган. Одамсиз бошқариладиган “PROBUS” электроавтотўси эса аввалги йили Тошкентда ўтказилган халқаро инновация гоёлари ҳафталигида “Энг креатив ишланма” номинацияси бўйича голиб топилган.

Бу ерда бошқа йўналишлар бўйича амалга оширилган ва бажарилаётган янги лойиҳалар ҳақида ҳам қўллаб қўллаб келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бири инновацион ва ҳар қандай хоржий турдош технологиялар билан рақобатлаша олади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Самарқанд автомобил заводи билан Isuzu D-Max пикапи базасидаги 27 та тез ёрдам машинаси соғлиқни сақлаш тизимига яқинда етказиб берилди. Пойтахт ва ҳудуд ҳокимликлари буюртмасига кўра, Chevrolet Damas автомобилли базасида тайёрланган 250 дона тез ёрдам автомобилли партияси ҳам ўз эгаларига етказиб берилди.

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР УЧУН ИНФРАТУЗИЛМА ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

Тошкент шаҳрида 2021 йилдан бошлаб электромобилларни қувватлаш станциялари қурилади. Бу режа Президентимизнинг жорий йил 10 июлдаги “Иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларнинг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан алоҳида банд сифатида ўрин олган.

Мазкур қарорда уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ва бир қатор аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, электромобиллар учун инфратузилма ишлаб чиқарилади, 2020 йилнинг сентябрь ойида хоржий таърибани ўрганиш асосида тахлилий материаллар тайёрланади. Шундан сўнг станцияларни қуриш учун жойлар ўрнатилади, 2021 йилнинг январь ойида эса Тошкент шаҳрида Халқаро электротехника комиссиясининг 61851–1-Mode 4 стандартига мос келадиган дастлабки иккита электромобилларни қувватлаш станциясини ўрнатиш мўлжалланяпти. Уларни қуриш ишлари “Ўзбекнефтегаз” компанияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Бу лойиҳа мамлакатимизда электромобиллар учун инфратузилма яратишга давлат томонидан эътибор берилганлигини кўрсатади. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги қарори асосида тасдиқланган 2020–2022 йилларда Фарғона вилоятининг Марғилон ва Қўноқ шаҳарларида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини эслаш жоиз бўлади.

Унга кўра, “Shaffof omadli sanoat” МЧЖ томонидан электромобиль ишлаб чиқаришни ташкил этиш муддати 2022 йилнинг 1 октябрга қадар белгиланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллион доллар, жумладан, унинг 24 миллион доллар тўғриван тўғри хоржий инвестициялардир. Бу лойиҳа бўйича йилга 2 минг дона электромобиль тайёрланиши кўзда тутилган.

Андижон вилояти Хонобод шаҳрида ҳам электромобиль ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган. “Олтин ер ҳимоя” МЧЖ томонидан илгари сурилган лойиҳага кўра, мазкур инновацион корхона ўз фаолиятини 2021 йил 1 июндан бошлаши кутуляпти.

Мана шундай лойиҳалар қанча кўп амалга оширилса, шунча яхши. Янги русумдаги автомашиналарнинг ички бозоримиздан ўрин эгаллаши турдош маҳсулотлар билан рақобатлашув муҳити вужудга келтиради, харидорлар учун танлов имконияти янада кенгайди.

Ифтихор

БЕМОРЛАР КЎНГЛИДАН ЖОЙ ОЛГАН ШИФОКОР

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Халқимиз саломатлигини асраш энг катта вазифа бўлиб турган шу кунларда шифокорлар зиммасига янада катта масъулият, шарафли вазифа юкланган. Давлатимиз раҳбари пандемияга қарши курашишни “ўзига хос жанг майдони”га қийслагани бежиз эмас.



Бу майдонда чинакам фидойилар, жасоратли шифокорлар ўз ҳаётларини хатарга қўйиб, беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун курашмоқда. Кечани кеча, кундузни кундуз демай жасорат кўрсатаётган тиббий ходимлари ҳар қанча эътирофга муносиб. Ана шу эътибор захматкаш касб эгаларининг кўксини осмон этиши, уларга янада куч бағишлаши шубҳасиз.

Яқинда коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойиллик кўрсатган юртдошларимизнинг бир гуруҳи

давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирланди. Ҳузур тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифонаси инфекционисти Мурод Рўзиев ҳам “Фидокорона хизматлари учун” орденига муносиб қўрилди. Умрининг қарийб қирқ йиллини беморлар дардига дармон бўлишга сарфлаган шифокор меҳнатига берилган бу юксак баҳо унинг учун қувончли воқеа бўлди.

— Кечаси соат уч иккида кўнироқ қилиб, орден олганим ҳақида айтишганда

аввалига ишонмадим. Анча пайтгача нима дейишни билмадим. Вилоятимизда катта бир инфекционистлар гуруҳи фаолият юритмоқда. Улар орасида бундай юксак унвонга сазовор бўлишим мени жуда тўлқинлантириб юборди, — дейди Мурод Рўзиев.

Коронавирус пандемияси шароитида тиббий хизмат сифатини ошириш, малакали ёрдам кўрсатиш ҳар қачонгидан муҳим. Ҳузур тумани тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар шифонасида ҳам COVID хасталиги билан оғирган беморларни даволаш учун барча шароит яратилган. Тиббиёт ходимлари учун махсус ҳимоя кийимидан тортиб барча тиббий асбоб-ускуналар, сўнъий нафас олиш аппарати, кислород генераторларига шай ҳолатга келтирилган. Мурод Рўзиев шу ҳақда гапираркан, илк беморни қабул қилиб олган кунини хотирлади.

— Уша кун навбатчи эдим. Тез ёрдамда олиб келинган йигит катта бир қурилиш ташкилоти ишчиси эди. Унинг тахлилий мусбат натижа кўрсатган, бемор бош оғриги, бироз иситма ва беҳолликдан шикоят қилаётгани. Тезда ишга

киришдик. Коронавирус инфекцияси Ўзбекистонда тасдиқланган илк кунлардаёқ бу хасталикка чалинган беморларни даволаш учун касалхонамизда барча шароит яратилган. Шу боис, тезда стандартлар асосида даво курсини бошладик. Ёш ва навқирон йигит эмасми, касаллик тез кунда бартараф этилди.

Бирин-кетин беморларимиз сони ортди. Аксарияти даволаниб, шифо топиб кетди.

Ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қилиб, ҳалокатли вирус билан курашиш учун катта жасорат эгаси бўлиш керак. Бемор ҳаётини сақлаб қолиш энг олий бурчга айланган пайтда на ҳимоя кийимининг нуқуллайлиги, на сувсиз, таомсиз кунни кеч қилиш захмати кўзга кўринмайди.

— Касалхонага энгил ҳолатда келиб, кун сайин аҳволи оғирлашганлар ҳам бўлди. — дейди Мурод Рўзиев. — Уларни асосан, ҳаво этишмаслиги қийнайди. Хонага сиймайди. Оғзини очиб, чуқурроқ нафас олишга ҳаракат қилади. Ҳеч нарса ёқмайди, иштаҳаси йўқолади. Биз уни дарров кислородга ўлжайола-

Кузатамиз. Қўшимча дори-уқоллар буюраимиз. Иложи борица касаллик асорат қолдирмаслигига ҳаракат қиламиз. Шифонамизга янги тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар берилган.

— Касаллик кимларда оғирроқ кечяпти?

— 60 ёшдан катта кишиларда оғирроқ кечяпти. Ҳомилдор аёллар, ёш бўлса ҳам қўшимча касаллиги бор кишилар, семизлик, қандли диабет, камқонлик, астма беморлари ва икки ёшгача бўлган ёш беморларда оғир ўтмоқда. Бундай пайтда ўта сезgirлик билан ҳаракат қилиш керак бўлади.

— Касбингизнинг энг шарафли жиҳати нимада, деб ўйлайсиз?

— Меҳнат қиласиз, меҳнатингиз қадрланади. Одамлар сиздан рози бўлади. Миннатдорлик билдиради. Тўйларига, яхши кунларига чақиради. Баъзан оғир касалликлар олдида тиббиёт ҳам ожиз қолади. Касални бой бериш мумкин. Ушунда ўзимни кечирмайман. Менинг ўрнимда бошқа шифокор бўлганида балки шу ҳолат юз бермасмиди, деб ўйлайман. Аммо муқаррар ҳолатдан қочиб бўлмайди...

Лекин барибир шифокорлик шарафли касб. Кўчага чиқсангиз, кўчада юрган бола ҳам “Мурод дўхтир бува, ассалому алайкум”, дейди. Бозорга кирсангиз, ўнта одамнинг саккизтаси “Ассалому алайкум, дўхтир бува”, деб қарши олади. Бу, албатта, бежиз эмас. Бемор сизнинг олдингизга наҳот истаб келади. Шу пайтда сиз ёрдамнингизни аямасангиз, кўнглини кўтарсангиз, аҳволини яхшиласангиз, у сизга раҳмат айтади.

Юртимизда Мурод Рўзиевдек шифокорлар кўп. Бугун уларнинг меҳнатини қанча қадрласак оз. Айни пайтда улар ўз ҳаловатидан кечиб, пандемиядан азият чекаётган беморлар, карантиндагилар бошида парвона. Инфекция тарқалишининг олдини олиш мақсадида сизу бизнинг саломатлигимизни муҳофаза қилиш учун қатъий курашмоқда.

Бу сўнвалар, албатта, ўтади. Шарафли касб эгаларининг тунни кунга улаб қилган хизмати, фидойилиги қалбларда қолади. Зеро, бугуннинг қаҳрамонлари, саломатлигимиз посбонларининг жасорати, хизмати ана шундай юксак эъзоз ва эътирофга муносиб!



Адидлар хиёбонидаги ўйлар

“СЕНИ ҚАЛБИМ, КЎЗИМ, СЎЗЛАРИМ ҚУЧАР...”

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Бугун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида барпо этилган, мўъжизавий назм бўстонига айланган муҳташам Адидлар хиёбонига, яъники, улуглар зиёратига келаётган илм аҳли, ижодкорлар, ёшлар, кексалар, бошқа касб эгалари теваракка покиза руҳ бахш этиб турган улуг устозларимизнинг тафаккур дунёсига, маънавий мероси ва ҳаётига янгича қизиқиш, меҳру муҳаббат билан мурожаат қилмоқдалар. Уларнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган мақолалар, шеърлар, дostonлар хиёбонда ўтказилаётган мушоира кечалари, маънавият соатлари, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, мусика оқшомларида баралла янтрамоқда.

Хиёбонда ҳаёқали қўйилган улуг адидлар қаторида Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти лауреати, Меҳнат Қаҳрамони Зулфияхоним Исроилова ҳам бор. Шоира “Халқимга айтар сўзларим” шеърда қалби кўридаги фахр ва ифтихор тугёнларини “Менга Навоидан айтгин алла деб, Лutfидан онгимга зиё таратдинг. Қўйналган оламага бўлгин далда деб, Асли ўзинг мени шоир яратдинг”, дея ёзганда худди бугунги куннинг руҳи, янги даврнинг нафаси бир кун келиб қалбларимизга шижоат ва таскин беришини билангандек. Еки “Еш шуур, курашчан туйғуллар билан Сенинг тақдирингга мақкам туташдим”, “Кўзим устидасан бу тугёнли дам”, дея халқига, юртига ихозори дил қила туриб битган “... Сўз энг қиммат, энг бокира ноёб бир неъмат”, деган сатрларини эсласак, хиёбондаги буюк алломалиримизнинг ёру хотирасига берилган таърифга ўхшайди. Ҳазрат Навоий, Фузулий, Лutfий лирикасини севиб ёд этган Зулфияхоним шеърларини халқимиз, ўзбек аёллари бағрига босиб ўқийди. Зулфияхонимга ўхшашни истайдиганига ҳавас қилади. Ёру дардли сатрларидан ўз дардларига малҳам опади. Шоира ана шундай муқаддас сўз туйғули миллионлаб инсонлар қалбига муҳаббат уйғотди. Аслида ҳам сўз — инсон қадр-қимматини юксалтирувчи илҳомий куч, сўз — дунёларни дунёларга боғлайдиган олтин занжир, сўз — улуг мақсадларга қорлайдиган машъала. Сўзнинг буюк неъмат эканини шоира ўзининг ҳижрон ва айрилиқ азобида тобланган умр йулдизидан айрилган шоира, бир қарасанг, тақдиринг қутулмаган зарбаларидан, айрилиқ изтиробларидан қабарган, баъзан эса аламли дунёнинг гамлар бўҳронда адл турган ва миллат аёлининг буюк сиймосини намоян этган шахс ва шоир қалби билан собит ва мардонавор сўз майдонига чиқди. “Ҳаёт варақлари” номли илк китоби билан Ҳамид Олимжондек шоирнинг назарига тушган Зулфияхоним ўз дардларини ўзи елкалаган ҳолда ўзгалар бахтидан бахтли бўлиб яшади.

Зулфияхоним шеърларида қор тагидан боққан майсанинг таровати каби самимий-уфқ, инсонийлик, назорат ва нафосат нафаси уфуриб туради. Шоиранинг “Она қалби оёққа

турса, Ўғлим сира бўлмайдими уруш...” деган сатрларидан таъсирланиб, “Дунё оналари” деб номланган шеърни ёздим. То бугунгача шоиранинг ҳар бир шеърини ўқиганимда, тугйлажак янги шеърларимга йул очади ва ёруғ руҳ беради, десам урнида айтган бўлам.

Шоира тунларни тонларга, тонларни тунларга улаб, дунё адабиётининг йирик вакиллари Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Марварид Дилбозий, Габриэла Мистрал, Леся Украинка, Анна Ахматова, Елисавета Багряна, Мирзо Турсунзода, Сулаймон Рустам, Муштай Карим, Қайсин Қулиев шеърлари, Николай Алексеевич Некрасовнинг “Рус аёллари” поэмаси, Муштай Каримнинг “Ой тугйилган тунда” драмаларини муҳлисларга ўқишга қилиб етказиб, моҳир таржимон сифатида ҳам ҳурмат қозонади. Айниқса, Александр Пушкиннинг шоира таржимасидаги “Мен сизга ачиммайман, вафосиз севгиларда”, “Агар сени алдаса ҳаёт” шеърлари, Анна Ахматованинг “Юртни ёв қўлга ташлаб кетганлар” шеъри, Мирзо Турсунзоданнинг “Шоир”, “Ватан” шеърлари худди ўзбек шоирлари шеърлари каби ўзбек халқининг юраги тундан жой опади. Бунинг сабаби эса Зулфияхонимнинг рус тилини пухта ўрганганлиги ва дунё минбарларида ўз овозига эга бўлганлигида. Шоира рус тилини мукамал билиш билан биргаликда она тилимизнинг мавқини кўтаришда зийрак ва талабчан бўлиб, ўз она тилини севиб, серкўра ижод қилган. Жаҳон минбарларида мушоира кечаларини бошарган. Ўша даврда миллатлараро дўстлик, бирдмлик, тинчликнинг овози баралла янрашга, ўзаро ишонч ришлатларининг мустаҳкамланишига замин яратган.

“Ўзбек шоираси Зулфияхоним қутлуг қадамини туйғули Шарқ адабиётига санъаткор аёл кириб келди, ёш ва иқтидорли шоирлар бутун бир плеядасининг овози баралла янграй бошлади. Зулфия фақат ўз шеърларида гавадаланган тўла-тўқис аёл эмас, балки у мукамал шахс ҳамдир. Ўз замонда шаклланиб, камолга етган шахс. Поэзия Зулфия учун ҳеч қанон шунчаки машғулот бўлган эмас...”, дея таъриф беради шоирага қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов. Буюк адиб эътироф этганидек, Зулфияхоним учун шеърнинг шунчаки овуң бўлмади. Шоира чин маънода ўзбек ёш иқтидорларининг жарандор янги овози эди.

Зулфияхонимнинг набираси Лола Мухитдинова шоиранинг таваллуд куни арафасида муҳлислар билан бўлиб ўтган учрашувда ўз хотираларини мана бундай баён этган эди: “Қиш охирида қолганда аямиз баҳорни интиқлик билан кўтардиклар. Бир нарсаларни ўйлаб, дераза ёнида туриб қолардилар ёки ҳовлига чиқиб, айланб юрардилар. Баҳорни шеър билан кутиб олиш аямизга одат бўлган. “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Яна баҳор келди”, “Кел, баҳор”, “Салом, тансиқ баҳор”, “Урик гуллари”, “Яна бугун баҳорга зорман” шеърларини ўқисам, бундай баҳорий илҳомга маҳлиё бўлам.”

Шоира қўнгилдан тўйилган марваридларни мен оппоқ лайлакзорларга ўхшатаман. Чунки шоира қалбигада дардлар ҳам, армонлар ҳам, бахт ва қувонч ҳам кўз олдимида бир хил — оқ рангда намоян бўлади. Балки бу шоира тақдирини битилган буюк гам, буюк айрилиқ билан боғлиқдир.

Юртимизда Зулфия таваллудининг 100 йиллиги юқори савияда нишонланган кунларда шоиранинг ўзбек тилида “Сайланма”, инглиз тилида “Мен ишқ эдим”, қорақалпоқ тилида “Мушоира”, рус тилида эса “Юрагимнинг буюрганин ёздим” китоблари ҳамда шоира ҳаёти ва ижодида бағишланган “Зулфия замондошлари хотирасида” китоби, лирик шеърлардан тuzилган гўлдаста сифатида “Баҳор келди сени сўроқлаб” деб номланган илҳом китобчаси нашр қилинди ва яна китоб жавонларимизни беади.

Гарчи шоира бу китобларида баҳор, Ватанга муҳаббат, севи, уруш ва тинчлик, дўстлик ва садоқат мавзуларида кўп қуйлаган ва ёзган бўлса-да, юқорида келтириб ўтилган шеърларини ёки бошқа асарларини битмаганида ҳам адабиётимизда катта воқеа бўлган, ўзимга хос поэтик, бадийлиги жиҳатидан юксак руҳдаги асар ҳисобланган “Хотирам синиқлари” достонининг ўзи билангина ўзбек адабиёти саҳнида ўз

номи ва овозига эга бўлиб қолар эди. Чунки достон қатагон даврининг, қаттол тузумининг берган зарбалари қаршисида иродаси буюк, мас Ҳазрати инсон қиёфаси тасвирланган, иктимой-иқтисодий масалалар ҳақидаги ҳақоний тасавури бера оладиган асарлар сирасига қиради. Қолаверса, достон давр фақат ёзувчининггина эмас, балки ўз шоирининг ҳам қаламини ўтқир, сўзини кескир қиладиган даъду изтиробларни, аччиқ ҳақиқатни тик қараб айта оладиган, ҳулоса қила оладиган фалсафий ва лирик кайфият уйғунлиги чўқисига кўтарилгани билан ҳам диққатга сазовор асардир.

Ёдим синиқлари, қалқ, овоз берай, Қалқиди, юрагим, чида, бер бардош. Қарагин титроқда — ҳаммаси жонли, Қара, ҳаммасининг юзи қонталос.

Сочилиб кетган хотиранинг синиқларини йиғиб, тиклаш ва ўз овозини топишда шоира ўз юрагига суянади. Достонда юзи қонталос миллат изтиробига таскин берувчи, даҳшатли йўқотишлар эвазига, кўзларидан ёш эмас, балки қон сизиб турган арқларвар, ўз халқининг, ўз ватандошларининг минг йиллик озу-армонлари юзага чиқраётганидан мўждалар келтирган қалблар Ҳурриятга пешвоз чиқади. Миллат оналарининг пишхона чеккан нолау қонларини, яқна-яқна ҳолда, пароканда қилиб йўқотишга маҳжум этилган фидойи фарзандлари хотирасини тиклаш умидида, қатагон қурбони бўлган акаси тақдир орқали оммавий қатагон даҳшатларини “Норугўл ўғилларинг қирлиди қўшайди, Сибирининг нур тўшмас ўрмонларида”, деган қонли сатрларда ифода этади. Жаҳрдайд қалб эгаси тушларини ўғнида Сибирь тупроқларида қолган ўзбек ўғлонларининг хонини излаб, юрак-бағрини чок этади. Бу билан наъки миллатнинг ўлат теккан тана каби қажашетган томилари, балки ўз қалбигада газак олган жароҳатларга ҳам малҳам қўймоққа ҳаракат қилади.

Ошиқлик... Айрилиқ ва ҳижрон азобида Ишқ дардини қуйлаб, қўнгил тубидан дур териб шеър битмак, шеърга айланмоқ, шеърларда абдий қолмоқ... шоиранинг ёруғ қисмати эди. Беҳиштий жаранглар — бу Ҳурриятнинг жарандор қўнгироклари, Ўзбекистон деган янги давлатнинг қўксига эсаётган овоз шамолларнинг қўшиқлари эди. Ўз бахтининг эл бахтидан кейин қўйиш, эл бахти учун суоқиш, эл бахти учун курашиш шираси қисматида Увайсий момоларимиздан мерос фазилат бўлиб ёзилган эди. Достонда тизилган ҳар бир тўртликда бир дунёга етиб ортадиган, ҳаттоки инсон юраги кўтаришга ожизлик қиладиган мотам лирикаси жаранглайди. Бу лирик оҳанг ҳар авж пардага кўтарилганда шууримизга эстетик, жанговар руҳ бериш билан биргаликда, захари дудаме ханжар каби ҳам юракка, ҳам суякка санчилади. Дафъатан, бу жароҳат инсониятнинг минг йиллик гафлатда қотган томиларини уйғотиб йуборади, ёруғ келажак учун огоҳликка чақиради.

Бўлиб бас! Жандан сўне ҳорғин сарқарда Тирки аскарларин тиззандай қатор — Мен тирик ҳисларим бир жойда йўғдим Ва кучли яшашга айладим қарор.

Йиллар мобайнида айрилиқ ва ҳижрон азобида парчаланган хотираларини, тирки ҳисларини йиғиб, тирик аскарлар каби урушлардан, боқинлардан, зулмлардан, жон бериб, жон олишдан қаранган дунёни огоҳликка, курашга сафарбар этаётган лирик

қаҳрамон кези келганда гафлатда ўтган кунлари учун ўз кўксини ўзи нима-нима қилишга чоғланади. Бу тарихий ҳақиқат кўз ўғнида содир бўлган ва халқни чorasиз қолдирган, қора ўйларга толдирган, тинка мадорини қуриган эди. У Истиклолдан ёруғлик истаб Алломишдек фарзандидан айрилиб, қамқонхоналар эшигига адо бўлган ота-онаси дардини бағрига босади. Минг-минг пушаймон ва афсус-надомат билан, “Янги ҳаёт” дебмиз ўша кунларни, Беталаб, бенолиш яшамиз кўп йил”, дея бошидаги қора булутларни сидириб ташлаган, миллат тафаккурининг зангланган кишанларини боғлаб, чин маънодаги “янги кунга” умид уйғотган халоскори — Истиклолни, Ҳурриятни оқишайди:

Келдине-эй, Истиклол, истиқбол бўлиб, Қалбимга насиминг билан йўл солдинг. Сен шу хур назма иштиёр бериб, Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим... Ҳуррият, келдине-эй, ал-омон келдинг, Сени қалбим, кўзим, сўзларим қучар. Вақт етса, шу халққа қолар дафтарим, Вақт етса, бу ёқда қолар дардларим.

Бу сатрлар Зулфияхоним таваллудининг 80 йиллик айёмида “Турист” саройида шоиранинг ўз овози билан янраган эди. Менинг эса йиллар ўтса-да, ёш талаба кўнглида “Турист” саройида ҳайратланиб тинглаганим ўша жарандор, шикаста ва ўтти овоз билан ўқилган “Хотирам синиқлари” достони халқ-ҳамон Турон оналарининг миллатни уйғотувчи жанговар қўшиги бўлиб янграб туради. Адабиётта, шеърятта илҳоманд ҳалқимизнинг юраги бўлиб уриб туради. Шоиранинг юрак дардлари, армонлари, озу-мақсадлари битилган сатрларга тўла дафтарлари ҳамон муҳлисари қўлида. Сатрлари — издошлари ёш зулфияхонимлар тилида. Дардлари йиллар ортида қолди...

Қанотлари остидан шамолларга қўшиқ айтишга имкон берган овоз қушлар Адидлар хиёбони осмонида чақ-чақлашиб, ватанимиз тупроғида яна бир маърифат бўстони, илм маскани яратилганига шукроналар айтаётганга ўхшайди. Улугларимиз эса ҳазрати Алишер Навоий бобомизнинг янги иктибослари ҳақида ўз фикрларини айтишга чоғланаётган каби ҳузурларида жамланчиб, қўёшга қозаниб туришибди. Ҳурриятнинг хур синимлари 105 ёшни қаршилаган Зулфияхонимнинг ёнокларини сийлайди. Шоира эса ватанимиз осмонини ёритаётган қўёшнинг заррин нурларини қалби, кўзи, сўзлари билан қўймоқда.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабининг шоира пойига саф-саф бўлиб тизилган ўғилчилари, талабалар, китобхон йилит-қизлар иштирокидаги мушоира давраси, “... Ялғизланиб ётар кекса хотирам Ичиде шу дардлар, тигли синиқлар”, дея бошланиб, “... Шоир севаган тупроқ қўксига Хушбўй баҳор кезиб юрибди.” сатрлари билан давом этади. Халқимизнинг бугун амалга ошираётган улуг ва эзу ишлари бир замонлар зулмат қаърида қолган тарихимизнинг ёруқ шарафига бўлиб, аспардан аспарга ўтади. Мен эса руҳимда бир мамнунлик билан устозларимнинг ёруқ хотиралари олдида таъзим ила ҳайқаларни пойига гўлдаста қўяман, улар бизларга ёруғ юз билан оқ йўл тилаб, янги ҳаёт, янги фикрлар, янги тонг нафисларини ҳис қилишимизга юксак ишонч билдириб туришибди. Хиёбон қўғнида қад кўтарган айвонлар остида ўтириб, хиёбонга меҳр билан боқганимча, ёндафтаримга ушбу сатрларни ёзиб қўяман:

Улуг аждодларим руҳи мадақор, Янги Ўзбекистон, янги тонг билан. Жаҳлат халқимдан кўларингни торт, Янги ҳаёт бизда, янги онг билан. Мардона энгарим, ҳар тўсиқ, ёни, Қўлда қалм, дилда ёруғ дарб билан. Улуглар сақлаиб, Ҳазрат пойида — Уйғоқ юракларда мангу қоларлар.



Олий таълим

Аҳмаджон ҲУРИНОВ, Фаргона давлат университети профессори, физика-математика фанлари доктори



Самарқанд — қўхна ва навқирон шаҳар. Тарихимизнинг қайси жабҳасини ўрганишни бошласак, илдишлари Самарқандга бориб тақалади. Чунки бу шаҳар миллатимиз тарихида муҳим ўрин эгаллаган Амир Темурдек адолатли давлат арбоби, енгилмас саркарда ва тенгсиз бунёдкорга, Мирзо Улуғбекдек маърифатпарвар, қомусий олим ва дунёвий илм тарафдорига ҳамда бошқа олиму фузалоларга бешик бўлган.

МИРЗО УЛУГБЕК ИЛМИЙ МАКТАБИ ВОРИСИ

Шу нуқтаи назардан қарасак, миллатимиз таълими тарихида ҳам Самарқанд алоҳида ўрин тутайди, деган ҳулосага келамиз.

Бундай дейишга, албатта, етарли асослар мавжуд. Бунинг мисолида бобокалонимиз Мирзо Улуғбекнинг давлат раҳбари сифатида таълим, илм-фан ва маърифат соҳасида юритган сиёсатидан баъзи намуналарни келтириш етарли, деб ўйлайман. Аввало, Мирзо Улуғбек топшириғи билан худудларда, жумладан, Самарқанд, Гиждувон, Бухоро, Марв ҳамда бошқа шаҳарларда таълим ва маърифат маркази вазифасини бажарувчи мадрасалар қурилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Қолаверса, Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда яратган илмий мактаби жаҳон цивилизацияси ривожига оламшумул ҳисса қўшганини эслаб ўтиш зарур. Бу илмий мактаб дунё ҳамжамияти томонидан нечоғлик юқори баҳолаганини XVII асрда яшаган Фарб астрономи Ян Гевелий (1611-1687)нинг икки гравюрасида Мирзо Улуғбек жаҳоннинг энг буюк фалакиётшунос олимлари қаторидан жой олганидан ёки академик Тошмухаммад Қори Ниёзийнинг “Улуғбек астрономия мактаби” номли китобида 1950 йилда биринчи бўлиб рус тилида Москвада чоп этилганидан ва ўша даврнинг нуфузли муқофотига муносиб топилганидан ҳам билиш мумкин.

Мирзо Улуғбек илмий мактаби вакиллари нафақат фалакиётшунослик, балки математика, тарих, тиббиёт, мусика ва адабиёт йўналишларида ҳам изланишлар олиб борган. Хусусан, бу илмий мактабда математикага биринчи бўлиб ўнли касрлар киритилган ва улар устидаги амал қондалари ишлаб чиқилган. “Манфиш” ва “мусбат” атамалари киритилган, сондан ихтиёрли натурал даражали илдиз чиқаришинг бир неча усуллари топилган. Улуғбек илмий мактаби вакиллари томонидан “(П)” сонининг вергулдан кейин 17 та рақамгача аниқлиниши ва бир градуснинг синусини ҳисоблаш усулининг ишлаб чиқиши эса тақрибий ҳисоб назариясига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Астрономия бўйича олиб бўрилган тадқиқотлар натижа-сида яси ва сферик тригонометрия ривожланди. Евклиднинг V постулати бўйича олиб борган изланишлари эса ноевклид геометрия вужудга келиши учун ҳам хизмат қилди.

Таниқли олим, академик Ботурхон Валихўжаевнинг 2001 йили чоп этилган “Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия — университет тарихидан лавҳалар” китобида Шарқ илм-фани ривожига мадрасаларнинг туғган ўрни ва уллардаги ўқув жараёни хусусида баҳс юритилиб, хусусан, Самарқандда мадраса ва мадрасаи олиялар тарихига назар

Янги Ўзбекистон. Бош муҳаррир: Салим Дониёров. Таҳририятда келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул. Узбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1966. 42596 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов. Мусахҳиш: Ойдин Аляутдинова. Дизайнер: Зафар Бакиров. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. ЎЗА яқуни — 22:25 Топшириқли — 23:30